



O'ZBEKISTON OVOZI

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислол тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буорган вакиллари кўлаш ва барчангизга ўзининг чуқур хурматини ва ушбу анжуманда қатнашганингиз учун самимий миннатдорлигини билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлаيمانки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваломбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда қўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кемираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ бўшчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рессеция тўлқинларини келтириб чиқариш ҳафсини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сал-

бий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонидан дунё бозоридан тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланаётган бораётганини исботлаб беришга ҳолат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгилаш борадида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Бугун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Авалло шунини таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципида асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар-

нинг биз танлаган «ўзбек модели» — ўз тараққиёт йўлининг ажралмас тарихий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққиёт топан илгор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран синдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгига демократик кадриятларни мустақамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб кўяди.**

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тўздан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдлари эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлса, бу ислохотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципи хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчи кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-

хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозоридан талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди.

Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунсиндирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгига демократик кадриятларни мустақамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб кўяди.**

Ун икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг уларнинг ҳар бири, ўз хошияга кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Утган йиллар мобайнида таълим тизимини тўздан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва қўламага кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатётган мактабларнинг деярли барчаси янгит-

дан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мақтаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб бориладими.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-хунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айна вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Биз таълим тизимини ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаш, айна пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шартини ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият беришмоқдамиз.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари Таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усулларини, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини берилади.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозоридан талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Утган давр мобайнида уларнинг сонини икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмақда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежмент-ни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов 17 февраль кун Оқсаройда Франция Республикаси транспорт вазири, ушбу мамлакат Президентининг махсус вакили Тьерри Марианини қабул қилди.

Сўхбат аввалида вазири Т.Мариани давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Никола Саркозининг Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан кутлов мактубини тақдим этди.

Ўзбекистон Президенти табрик учун самимий миннатдорлик изҳор этди ва Франция раҳбарига эзгу тилаклар билдирди. Мамлакатимизда Францияга ўзаро ҳамкорлигимиз чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ва бугунги кунда ҳам турли даражада муваффақиятли ривожланаётган узоқ муддатли ва ишончли ҳамкор сифатида қаралиши таъкидланди.

Давлатлараро мунтазам мулоқотлар халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга, кенг қўламли Ўзбекистон — Франция алоқаларини ўзаро манфаатли барча соҳаларда янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Франция БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида икки давлатнинг ёндашув ва қарашлари яқин ва ўхшашдир.

Франция — мамлакатимизнинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидандир. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 350 миллион АҚШ долларидан ошди.

«Эйрбас» компанияси билан ўрта «А-320» аэробусини етказиб бериш, «Текнип» компанияси билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш (Япониянинг «Марубени» компанияси билан ҳамкорликда), «Обертюр» ва «Талес» компаниялари билан «Навоий» аэропортида ҳаво ҳаракатини бошқариш ва Ўзбекистонда биометрик паспортлар жорий қилиш лойиҳаси, «Сериннов» компанияси билан чинни буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «Комау Франс» компанияси билан автомобиль двигателлари учун ускуналар етказиб беришга оид лойиҳаларни муваффақиятли ҳамкорликка мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Т.Мариани самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, Франция раҳбарияти ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Франция муносабатларини исчиқболда ҳам мустақамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.



БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 февраль кун Президентимиз Ислол Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди

Форумда кўлаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислол тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Зеро, мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истездод ва юк-

сак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Бу — демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар

йўлидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воёга етишига боғлиқдир.

Узоқни кўзлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёрқин ифодалайди. Жисмонан соғлом,

маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган ҳам, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлоднинг тарбиялаш ҳақида гам-хўрлик қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ва бозор ислохотлари талабларига жавоб берадиган ушбу вазирларга мувофиқ кадрларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва тайёрлаш тизими тўздан ислоҳ қилинди. Бу борада шакллантирилган қонунчилик базаси мазкур жараёнларнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб



16-17.02.2012. TOSHKENT

хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эга экани, бунда давлат бепул умумий таълим олишни кафолатлаши мустақамлаб қўйилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Президентимиз Ислол Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги қонун, қўлама, миқёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонуан белгилаб қўйилди.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади. Таълим соҳасига ўз вақтида ва асосли инвестициялар киритиш иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда ва жамиятга фойда келтирмоқда. ОТБ раҳбари, шунингдек, глобаллашув жараёни билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган Ўзбекистон таълим модели мамлакатимизнинг Осиёдан ва умуман, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

(Давоми 3-бетда.)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда 2012 йилда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб беради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юр்தарилари замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юр்தариларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далolat беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорт объектлари барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очик спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжуманлари билан жиҳозланган ёпик спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқув-

чилари учун алоҳида, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юр்தарилари талабалари учун Уни-версиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланди. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йилгит ва кизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юр்தарилари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. **Таълим соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартрилди.**

Масалан, кейинги ўн йилда касб-хунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юр்தарилари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар янги ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджетига харажатларидан улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1998 йилда қабул қилинган қонунга қўра, ҳар йили 1 октябр санаи Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама барқамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий тех-

ник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкнинг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортик, Жаҳон банкнинг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислмо тараққиёт банкнинг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КФВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортик ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда бизни қўллаб-қувватлаб, беқийёс ёрдам кўрсатиб келаётганликлари учун халқроқ молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният этказди.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки уллардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзидан муҳасамат этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгартириб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, қадимий Ўзбекистон заминни кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатда интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айлиб кетган. Муҳаммад Хоразми, Абу Райхон Беру-

ний, Фарбда Авиценно номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шухрат қозонганлар.

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбағдарий кадрларни ўқитишнинг заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларга ўз олдимишга қўйган стратегик тараққиёт максadларига эришиши мумкин эканини** ҳаммаша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва граждонлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омилли ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда раванқ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айлиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни 2 миллион 300 миңдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққан, жорий йилда эса 500 миңдан ортик ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашни айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз қадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омилли ҳисобланади.

Нуфузли халқроқ молиявий ташкилотларнинг баҳоқларига қўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил даво-

мида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профидити, ташқи қарзнинг пастилиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги қорхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган қорхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажимдаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестициялар ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши қутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганидан далolat беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни қўйилган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга қўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — **дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш** йўлида гоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар! Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун тақлиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққиёт этиришнинг энг муҳим шартли бўлган таълим

тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйғун ривожланган барқамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага қўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Ўзбекистонда Таълим тизимини ислоҳ этиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, тақдирланадиган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар биз учун гоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юр்தарилари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидламоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий мақсадларидан бирини ҳам айнан шунда қўрамиз.

Сўзимнинг ниҳонисидида бир тақлифни билдирмоқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказилиб турса.** Биз сизларнинг барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешикларига бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандимиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз мухтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзининг чуқур хурмат-этиромини ва самимий миннатдорлигини билдиришга руҳлат этгайсиз. Барчангизга сийхат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУЖИКО КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов Жа-ноби Олийлари!

Хурматли вазирлар, Конференция иштирокчилари, Хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистонда яна меҳмон бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов ва Ўзбекистон халқининг 2010 йилда Тошкентда муваффақият билан ўтказилган Осиё тараққиёт банкнинг (ОТБ) йиллик мажлиси чоғида кўрсатган самимий эҳтиромини миннатдорлик билан эслайман. Ушбу ажойиб мамлакатда яна бир бор бўлиш, таълим масалаларига бағишланган ва юксак савияда ташкил қилинган мазкур халқроқ конференцияда иштирок этиш имконияти учун ми-ннатдорлик изхор этаман. Шу муносабат билан баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бевосити таълим масалалари хусусида сўз юритишдан аввал мамлакатингиз иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиб бораётгани билан Ўзбекистон халқини табриқлашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон 2011 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини яна бир бор намоеён этди. Бу муваффақият, Европада ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум бир шароитни ҳисобга олганда, айниқса, гоят катта аҳамият касб этади. Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларидан бири — бу Ўзбекистоннинг таълим сифати савдо позицияларининг мустаҳкамланиши ва ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислохотларга босқичма-босқич ёндашиши, аниқ стратегияга асосланган макротиқтисодий бошқарувидир. Узининг кенг қамрови билан ажралиб турадиган бундай ёндашув мамлакатни ташқи бўҳронлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фой-

даланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади.

Ўзбекистон, шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш, айниқса, саноатлаштириш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Бу жараён, биринчи навбатда, саноатни ривожлантириш, жулладан, табиий газни қайта ишлаб, кимёвий маҳсулотга айлантириш, газ-кимё тармоғини, агробизнес, логистика ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантиришга асосланган. Бу ўзгаришлар жараёни нафақат халқ фаровонлигини, балки иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестицияларнинг ўз вақтида ва пухта ўйланган ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, энергетика ва транспорт соҳаларига киритилиши маҳсулотлар ва хизматлар рақобатдошлигини, ишлаб чиқариш ва савдонинг самарадорлигини ошириш, амалга оширилаётган ўзгаришларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси иқтисодиёт ривожли ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган.

ОТБ Ўзбекистоннинг инвестициялар ва изчил ислохотлар йўлидан кучайиб боришида асосий ҳамкорлардан бири бўлиб келди ва истиқболда ҳам шундай бўлиб қолади. Биз бугунги кунга қадрар ва сунгги йилларда давлат ва хусусий сектордаги лойиҳалар учун қарийб 3,8 миллиард доллар ажратдик. Бизнинг ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкам рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, хусусий секторга инвестиция киритиш, нефть, газ ва нефть-кимё саноатини молиялаштиришда яққол намоеён бўлмоқда.

Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Катта қисми Марказий Осиё минтақавий иқтисодий

ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида амалга оширилган минтақавий аҳамиятга молик инвестицион лойиҳалар мамлакатдаги, шунингдек, Ўзбекистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги транспорт инфраструктурасини тақомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистон киритаётган қатор инвестициялар Афғонистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва умид йўғотишга хизмат қилаётганидан гоят мамнунман. Ўзбекистон Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона мамлакатдир. Афғонистон пойтахти бугунги кунда кенча кундуз улуксиз Ўзбекистон томонидан электр энергияси билан таъминланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли қурилмаган қисқа муддатларда, бюджет маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди. Бу ва бошқа минтақавий лойиҳалар янги савдо йўналишларини шакллантирмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё учун Буюк Осиё асри сари йўл очмоқда. ОТБнинг қинди эълон қилинган ҳисоботида XXI аср Осиё асри бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Бундай истиқбол хали ўзининг аниқ ифодасини топмаган бўлса-да, лекин, аминманки, ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар ва инвестициялар унга эришишга хизмат қилади. Ўзбекистон бундай эзгу орузунинг реал ҳаётда амалга ошишга ҳисса қўиши учун барча имкониятларга эга.

Энди, ижозатингиз билан, бугунги конференция мавзуси бўлган таълим масаласига тўхталиб ўтам.

Таълим ва тарбия мамлакат самардорлиги ҳамда рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилларидандир. Шу муносабат билан Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар янги ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда ва бунинг ярми таълим соҳасига тўғри келади.

Таълим соҳасини тараққиёт этириш дастури ва бу соҳага киритилаётган инвестициялар касб-хунар таълимни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. 12 йиллик универсал ва мажбурий бепул таълим дастури 9 йиллик умумий ўрта таълимни ҳам ўзига

камраб олади. Бу дастур ўқувчиларга иқтисодиёт миқёсида энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалар билан боғлиқ йўналишлар бўйича касб-хунар кўникмаларини эгаллаш имконини бермоқда. Таълим тизими, шунингдек, тобора кўпроқ технологиялар ва замонавий оммавий ахборот воситаларини ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш негизига қурилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1500 дан ортик касб-хунар коллежлари ва лицейлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юр்தариларини филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқроқ илмий-тадқиқот институтининг тасис этилиши таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир. Кенча ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида мазкур институтни ҳамкорликда ташкил этиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистондаги катта қизиқиш уйғор-таётган дастурлардан бири — бу Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидир. Бу инновациялар ва диверсификацияга ёрқин мисол бўлиб, интеллектуал ва жисмоний ривожланишнинг соғлом турмуш тарзи билан уйғунлаштириш нечоғлиқ улкан самаралар бераётганини яққол кўрсатмоқда.

Таълим соҳаси бизнинг «Стратегия-2020» деб номланган, узоқ муддатда мўлжалланган стратегиямизнинг бешта асосий йўналишларидан биридир. ОТБ таълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарсликлар ва таълим дастурларини молиялаштиришга оид сажизага лойиҳа маъқулланган.

Ижтимоий ва инсон салоҳияти барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 февраль куни Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган. Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ривожланган давлатларда бу соҳадаги ислохотлар, одатда, фақат таълим соҳасида амалга оширилган. Улар, Ўзбекистондагидан фарқи равишда, камровининг кенглиги ва чуқурлиги, илмий асосланганлиги, ислохотларда бутун жамиятнинг иштироки этиши каби хусусиятларга эга эмасди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурийнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у яхлит ва тизимли бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида узлуксиз хусусият касб этган таълим тизимининг нафақат шакли, балки моҳияти ҳам тубдан ўзгаририлди. Ушбу тизим бугун мактабгача, 9 йиллик умумий ўрта, 3 йиллик ўрта махсус ва касб-хунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олган. Ўрта махсус, касб-хунар таълими эса мазкур узлуксиз таълим тизимининг мутлақо муҳим ва янги бўғинидир. Умумтаълим мактаблари



олган умумдавлат таснифи ишлаб чиқилди. Касб-хунар коллежлари ўз ишлаб чиқариши учун ёш кадрлар тайёрлашда иштирок этаётган йирик саноат корхоналари томонидан оталикқа олинган.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалаврат ва магистратурдан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда 59 олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртинининг 11 худудий филиали ва хорижий ётақчи олий ўқув юртинининг 6 филиали фаолият қўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда худудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва қатор ихтисослашган институтлар ҳам мавжуд.

Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделининг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганини яна бир тасдиқидир. Пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежмент ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги

этилаётди. Бу ёш илмий кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳозирги кунда юртимиздаги ётақчи олий ўқув юртилари ҳузурда Ўзбекистон Фанлар академияси иштирокида илм-фан, техника ва технологияларнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича илмий-ўқув лаборатория комплекслари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими ҳам фаол ривожланмоқда. Олий ўқув юртида 70 йўналишда номзодлик, 37 йўналишда докторлик илмий ишларини химоя қилиш бўйича қарийб 30 ихтисослашган кенгаш фаолият қўрсатмоқда. Олий ўқув юртилари яқинда тамомаган ва илмий даражага эга битирувчилар — истеъдодли ёш олимлар сафи йил сайин кенгайиб бораётди.

Ўзбекистон мутахассисларининг малакаси юқори экани бутун дунёга маълум. Шу сабабли ётақчи хорижий компания ва фирмалар мамлакатимизда бир тасдиқидир. Пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежмент ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги

Президентимиз Ислоҳ Каримов қарори билан тасдиқланган 2011-2016 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унда олий ўқув юртилари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ўқитувчи йўналишларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришни ўз ичига олган аниқ мақсадли тадбирлар белгилаб берилган.

Болалар ва ёшларнинг спорт билан фаол ва мунтазам шугулланишига оммавий жалб қилиш тарбия жараёнининг яна бир узвий қисmidир. Негаки, спорт саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, инсонда феъл-атвор, ирода, қийинчиликларни енгиши қобилиятини шакллантиради. Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг Универсиада беллашувларини ўз ичига олган ноёб у босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил қилинди. Барча ўқув юртилари, шу жумладан қишлоқларда бугун халқаро стандартларга мос жиҳозланган спорт заллари, комплекслари фаолият юритмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ёш авлод ҳар томонлама ва сифатли билим олаётганини қуйидаги далил ва рақамлар ҳам тасдиқлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилган таълим тизимида мамлакатимиз мактаб ўқувчилари халқаро фанлар олимпиадаларида 157, жумладан, 29 олтин медални қўлга киритди. Ўзбекистон олий ўқув юртинининг кўплаб талабалари турли фанлар бўйича халқаро олимпиадалар гóлиби ҳисобланади. Ёш мусиқачи ва rassomлар орасида турли нуфузли халқаро танловлар совриндорлари кўпаймоқда. Ўзбекистонлик

спортчилар ҳам Олимпия ўйинлари, жаҳон ва китъа чемпионатлари ҳамда бошқа мусобақаларда Ватанимиз доғругини бутун дунёга ёймоқда.

Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантиришда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳам ёрдам бермоқда, таълимнинг барча йўналишлари бўйича кўплаб йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки, Германиянинг «КФВ» банкнинг инвестиция лойиҳалари, Ўзбекистон ва Швейцариянинг «Касб-хунар кўникмаларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида мактаблар, коллеж ва лицейлар учун қарийб 90 номдаги ўқув адабиётлари кўп нусхада чоп этилди.

Форумда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислоҳ тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс ва бошқалар бугунги кунда таълим соҳаси тараққиётининг бош омил сифатида эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга юқори баҳо берилди. Тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилгани таъкидланди. Ўзбекистон таълим тизимида изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотлар Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда яратилган ва муваффақиятли амалга оширилган, бутун дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган кадрлар тайёрлаш модели ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб давлатлар, жумладан, ривожланган мамлакатлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари секция мажлисларида мамлакатимизда ва бутун дунёда узлуксиз таълим ва тарбия тизимини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда истиқлол йилларида ҳар томонлама иқтисодий, юқори билимли ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёш авлод ўсиб-ўлғайди. Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда келажатимиз эгалари бўлган ҳар томонлама баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган ишлар нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Чунки, иқтисодий, билимий, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, элим-юртим деб ёниб яшайдиган авлодгина янги жамият, янги ҳаёт барпо этишга қодирдир.

Анжуманда яқиний ҳужжат — халқаро конференция тавсиялари қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Тошкентда 16-17 февраль кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Халқаро анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

ЎЗБЕКISTONDA ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Викки ДРЮ,

Ньюкасл университети вакили (Австралия):

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг халқаро конференцияда сўзлаган нуқти ушбу йирик форум нуфузини янада оширди. Мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши педагоглар фидокорона меҳнатининг юксак қадрларини яна бир далолатдир.

Пойтахтимиздаги 17-умумтаълим мактабида, шунингдек, қатор касб-хунар коллежлари ҳамда Тошкент темирйўл

транспорти муҳандислари институтида бўлди. Халқаро талабаларга тўлиқ жаъво берадиган ушбу таълим масканларида таҳсил олаётган изланувчан, тирискан ва билимга чанқок ўқувчи-талабалар билан мулоқотда бўлиб, уларга ҳавасимиз келди. Улар энг мураккаб фанларни ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб, ўзлаштираётди. Ўзбекистон ёшларининг хорижий тилларда эркин сўзлашиши салоҳияти ҳам бизни лол қолдирди.

Заид Ал СЕРБАЛ,

Кувейт ахборот агентлиги бош муҳаррирининг ўринбосари (Кувейт):

— Ўзбекистон савияда ўтган ушбу халқаро форум турли мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар иштирокидаги баҳс-мунозараларда қатнашиш имконини берганидан мамнунман. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг форум очирилишида иштирок этиши ва нуқ сўзлашиш анжуманининг нуфузини янада оширди.

Ўзбекистонда таълим соҳаси босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, аниқ мақсадга йўналтирилган ва узоқни кўзлаган дастурлар илчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонга ташрифимиз давомида Президенти

Ислоҳ Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлди. Баркамол, хурфирқ авлоднинг вояга етказиш, етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга илчил татбиқ этилиши Ўзбекистон ёшларининг пухта билим олиши, иқтисодий тўла намoён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётди.

Жак ВИРЛОК,

Брюссель Эркин университети профессори (Бельгия):

— Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежларида талабаларга яратилган шароит, замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган махсус хоналар, халқаро стандартларга мос таълим тизимининг йўлга қўйилганлиги менда катта ҳавас уюлғотди. Хали ўн олти ёшга ҳам тўлмаган ўқувчи-ёшларнинг тиббиёт, математика, астрономия, жўғрофия каби аниқ фанларни пухта билиши, бир неча

тилларда эркин сўзлаша олишини кўриб, хайратим ошди. Бунга мен Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежи, 1-республика тиббиёт коллежи ўқувчилари билан бевосита мулоқотларим асосида тўла амин бўлдим.

Таълимга бағишланган мазкур йирик конференциянинг «Маърифат маркази»даги Симпозиумлар саройида ўтказилганда ҳам раъзий маъно бор.

Мария Луиза Мачадо СЕРДЕЙРА,

Лиссабон университети проректори (Португалия):

— Мазкур йирик халқаро конференцияда Португалия таълим тизими ҳақида маърузам билан иштирок этдим. Ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурига асосан Ўзбекистонда янги ва замонавий билим масканлари барпо этилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Шунингдек, давлат таълим стандартларини та-

комиллаштириш, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини янгилаш борасидаги илчил ишлар ҳам юксак самаралар бераётди.

Ўзбекистонда таълим соҳасига қўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва гамхўрлик ўқувчилар тафаккур ва дунёқарашининг янада кенгайиши, фанларни фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Фаолиятим давомида ҳали ҳеч бир давлатда ўқитувчи ва мураббийларга Ўзбекистондагидек улкан эътибор қаратилаётганини кўрмадим.

Мария БУЛАТОВА,

Жисмоний тарбия ва спорт миллий университети проректори (Украина):

— Ўзбекистонда турли соҳаларга йўналтирилган махсус касб-хунар коллежлари фаолиятининг йўлга қўйилгани етук, малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Қатор лицей ва коллежларда ўқувчи-ёшлар учун яратилган кенг шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, бунга амин бўлдим. Украинада бундай махсус коллежлар йўқ. Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилган ислохотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнат олса арвайди. Олий ўқув юртиларига киришдан аввал бундай махсус коллежларни тамомаган ўқувчилар келгусида ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишига шубҳа йўқ.

Биз Ўзбекистоннинг фаолиятли спорт соҳаси билан боғлиқ таълим даргоҳларини

ҳам бориб кўрдик. Ўзбекистонда ўсиб келатган ёш авлоднинг жисмонан ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганига ҳавас қилса арвайди. Бунда спортнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётганидан хабардоримиз. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Ўзбекистондаги зарур спорт анжумлари билан тўла таъминланган замонавий спорт мажмуалари болаларни соғлом турмуш тарзига чорлаш, ёш спортчиларни кашф этиш, уларнинг катта спорт оламига кириб келиши ва халқаро миқёсда ном қозонишида муҳим омил бўлмоқда.

Эрик КУАН,

Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти (Сингапур Республикаси):

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг форум очирилишидаги маърузаси менда ўчмас таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга доир теран фикрлар иштирокчиларимиз билан кенг мунозараларда катта қизиқиш уюлғотди.

Ўзбекистонда ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит яратилган. Мамлакатимиздаги бир неча таълим муассасаларига ташриф буюриб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Юксак малакали кадрлар тайёрланаётгани мамлакатингиз раҳбарияти таълим соҳасига улкан эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Таълим муассасалари билан танишиш давомида, айниқса, Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежи мени лол қолдирди. Бу ерда назарий жиҳатдан яхши тайёрланган истеъдодли йиғит-қизларни кўрдим. Улар коллеж моддий-техник жиҳатдан яхши таъминлангани боис ўз билимларини амалда қўллаш ва темирйўлчи деган шарафли касб масъулиятини тўлиқ ҳис этиш имконига эга. Негаки, келажакда улар нафақат юкларни ташини, балки одамларни ўз манзилга етказиш учун ҳам жаъвогар бўлади. Бу эса жуда катта масъулият ва эътиборни талаб қилади. Ўқувчиларга буларнинг барчаси тажрибали ўқитувчилар томонидан сингдирилмоқда.

Сеок Ван КИМ,

«Daegu Naupu» университети профессори (Жанубий Корея):

— Ўзбекистонда барча соҳаларда, айниқса, таълим йўналишида самарали ишлар амалга оширилаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекистонда турли йўналишларга ихтисослашган кўплаб олий ўқув юртилари фаолият юритаётди. Бу, албатта, ёшларга ўзи севган соҳа сирларини мукаммал эгаллашда жуда қўл келади.

Қадимий Тошкент ўз таровати билан мени жуда ҳаяжонга солди. Тошкентга кел-

ганимдан бунён бир неча кун ўтган бўлса-да, шадрингизни томоша қилиб, тинч ва осойишта, файзли кўчаларини сайр этиб тўймайман. Кўплаб мамлакатларга борганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига бағирини эмтаган.

ЎЗА мухбирлари **Мадина УМАРОВА,**
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди.



ўқувчиларини 9-синфдан кейин қабул қиладиган мутлақо янги турдаги ўқув юртилари — касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди.

Ҳозир мамлакатимизда 9779 умумтаълим мактаби фаолият қўрсатмоқда. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури амалга оширилди доирасида 8,5 мингдан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Уларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Бу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм сарфланди. Мактаб таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1396 касб-хунар коллежи ва 141 академик лицей фаолият қўрсатмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бундай ўқув юртилари бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам бор. Улар учун гўзал ва замонавий бинолар барпо этилган. Ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг сўнгги техник ускуналар, замонавий апаратуралар билан жиҳозланган. Бугун мазкур ўқув юртиларида қарийб 1,7 миллион нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олмақда. Уларга тажрибали педагоглар, жумладан, фан номзодлари ва докторлари сабоқ бермоқда.

Иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида талаб катта бўлган 86 таълим йўналиши, 225 касб ва 578 мутахассисликни ўз ичига

Москва давлат университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети ва И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалларида бугун ана шундай мутахассислар тайёрланмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда турли йўналишлар, жумладан, чет тилларни чуқур ўрганиш бўйича факультет ва кафедралар ташкил этиш амалиёти тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни ривожланмоқда. Талабалар илмий тадқиқотларда фаол қатнашмоқда, корхоналар буюртмалари асосида инновацион фаолият билан шугулланмоқда. Талабалар ўз ишланмалари билан ҳар йили мамлакатимизнинг янги технологиялари ва илмталар мақсудотлари намойиш этилаётган ярмаркалар билан мунтазам иштирок этаётгани бунинг аққол далилидир.

Масалан, 2011 йилда ўтган Инновацион гóялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида олий ўқув юртиларида яратилган технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича қиймати 3 миллиард 579,4 миллион сўм бўлган шартномалар тузилди.

Илмий-тадқиқот муассасалари билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли яқин алоқалар натижа-сида талабалар фундаментал тадқиқотларга тобора кенг жалб

Ибратли оилалар

«ЯХШИ ЯШАЙМАН ДЕСАНГ, МЕҲНАТ БИЛАН ДЎСТ ТУТИН»

— дейди пиру бадавлат Ёқуб ота Ибрагимов

Жиззах шаҳрида 34 та маҳалла бор. «Қалия» шуларнинг бири. Унда 5500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар 1130 та оилани ташкил этади, аксарияти мустақкам, намунали ва соғлом оила ҳисобланади.



отaxon. — Мендай оддий бир ишчининг боласи бугун қимсан, мулкдор! Чет элликлар билан борди-келди, олди-сотди қилди. Еганимиз — олдимизда, емаганимиз — ортимизда.

— Бекор ўтиришни тасаввур қила олмайман, — дейди у жилмайиб. — Менга қолса, зое кетган ҳар бир лаҳза умрнинг бой берилган қисми бўлади. Кўклам эшик қоқаяпти, шунга ҳозирлик кўраяман...

майти. Деҳқончилик қилардим. Сабзи-пиез екардим. Қолга солиб, бозорга олиб чиқардим. Сотиб, рўзгорга у-бу олардим. Қишининг совуқ кунларида ҳаммаиз каталақдай хонага тиқилиб олардик. Нимасини айтастиз...

ҳам яйраб-яшнаб кетади. Уч ўғлига бир қизи туфайли шундай катта, ҳамжиҳат ва мустақкам оила барпо бўлганидан, улар ўзидан кўпаяётганидан қувонади. Шунда оқсоқол бир гапни қайта-қайта айтишдан чарчамайди: «Яхши яшайман десанг, меҳнат билан дўст тутин, одамларга меҳрибон ва ҳалол бўл!»

ЭЛИКТА «ISUZU» АВТОБУСИ

юз кишини иш билан банд этди

Сурхондарё вилояти бўйлаб, янги қатновлар йўлга қўйилди. Кенг ва раван йўллар, пўлат излар орқали жаҳонга чиқиб имконияти ортмоқда.

«ISUZU» русумли автобус келтирган эди. Ўтган йилнинг охирида мажбур жамият лизинг ҳамда «Асака банк» кредити асосида яна 30 та шундай замонавий автобул олиб келди. Шундай қилиб, уларнинг сони 50 тага етди.

Қулайлик

туманларга бориш учун кўп овра бўлар эдик. Янги автобуслар ҳаракати бундай муаммоларга барҳам берди...

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ

«Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдоларида тақлиф этади

- 2012 йил 19 март соат 15:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Туркистон маҳалласи, Марказий кўча, 1-уйда жойлашган «Туркистон Мадад Сери» давлат унитар корхонаси машина-трактор паркига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА

2012 йил 20 март соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Янги ҳаёт кўчаси 2а-уйда жойлашган «Автотранспорт» МЧЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

- 1. 1980 йилда и/ч «Тарз-3270», давлат рақами 15 АВ 733, техник носоз, бошланғич баҳоси 870 000 сўм.

OB-XABO 18-19 - 02. 2012

Table with weather forecasts for various cities: Jortimiz b'ylab, Qoraqalpogiston Respublikasi va Xorazm viloyati, Buxoro va Navoiy viloyatlari, Toshkent, Samarqand, Jizax hamda Sirdard viloyatlari, Qashqadaryo hamda Surxondaryo viloyatlari, Andijon, Namangan hamda Farqona viloyatlari, Toshkent shahri, Dunyo b'ylab, London, Parij, Moskva, Madrid, Pekin, Gongkong, Rim, Anqara, Tokio, Stokg'olm, Keyptoun, Qo'xira, Gavana, Vashington.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muhiddin MUHIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot - 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot - 233-12-56; Reklama va e'lonlar - 233-38-55, 233-47-80; Konihiyat - 233-72-83, 236-55-17. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7433. 1 2 3 4 5

Футбол. Европа чемпионлар лигаси. Нимчорак финал. Дастлабки учрашувлар. «Лион» (Франция) — «Апозел» (Кипр) — 1:0. «Байер» (Германия) — «Барселона» (Испания) — 1:3. «Зенит» (Россия) — «Бенфика» (Португалия) — 3:2. «Милан» (Италия) — «Арсенал» (Англия) — 4:0.

Европа лигаси. 1/16 финал. Дастлабки учрашувлар. «Рубин» (Россия) — «Олимпиакос» (Греция) — 0:1. «Брага» (Португалия) — «Бешикташ» (Туркия) — 0:1. «Локомотив» (Россия) — «Атлетик» (Испания) — 2:1.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРАЛИГИ 13-ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади: Сурхондарё вилояти, Занг каналининг Қорасув дарёси билан кесишган жойидаги перепадни реконструкция қилиш.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 фойза миқдориди айланма маблағ ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қароваломаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий маъна, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING 2012 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАГИ 33-СОНИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги 33-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2012 йил 9 февралдаги 5-21-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти (ОКОНХ 95110, ИНН 200541073).